



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

16 (233)

2013 йил 1 май, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Электорат манфаатларини химоя қилиш, партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда депутатлик гуруҳларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади**



**ЎзМТДП ва «Ўзбек жанг санъати» Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик меморандумига биноан жойларда турли спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилмоқда**



**254 мингдан зиёд турли китоблар фондида эга Наманган давлат университети ахборот-ресурс марказида талаба ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда**



## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

### Хабарлар

#### Кучли фуқаролик жамияти сари

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ёритишда ОАВларнинг иштироки" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари, тегишли ташкилот вакиллари журналистларга давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатлари, жамоатчилик назорати, фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови, маслаҳатчилар вазифаси ва бошқа қатор масалалар бўйича маълумотлар, шунингдек, мавзу йўналишлари бўйича турли жанр ва йўналишлардаги материалларни атрофлича ёритишнинг услубий жиҳатларига, уларни ўз вақтида атрофлича таҳлил қилишга, ОАВ материалларини амалий шакллантириш мезонларига эътибор қаратилди.

#### Долзарб мавзуга бағишланди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олдини олиш борасида аҳоли ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаётганлиги, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Тошкент шаҳрида сезиларли натижаларга эришилганлиги таъкидланди. Хусусан, бу борадаги чора-тадбирларни намунали йўлга қўйган Олмазор, Чилонзор, Шайхонтохур, Юнусобод туманларидаги ўнлаб маҳаллалар фаолияти намуна сифатида эътироф этилди.

#### Янги тиббий технология

"Ўзэкспомарказ" кўرғазмалар мажмуасида ўтказилган VI инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббий маркази пульмонология ва клиник бўлими олимлари ўз илмий изланишларини намойиш этишди.

Марказ стендидан ўрин олган кенг экранли видео роликларда намойиш этилган янги усулдаги даво муолажаси жараёни кўпчилик меҳмонлар эътиборини ўзига қаратди. Бу технология "Оғир турдаги бронхит астма"ни даволашда аутолимфоцитларнинг экстракорпорал модификацияси" технологияси бўлиб, марказнинг катта илмий ходими тиббиёт фанлари номзоди Баҳодир Орипов ва кичик илмий ходим Раҳматулла Солиевлар ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилган.

## 4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

### Фракция ҳаёти



## Миллий манфаатларимизга дахлдор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Депутатлар «Олий малакали илмий ва аттестациядан ўтказиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини муҳокама қилишди. Ушбу масала юзасидан маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Урал Хаитов мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилаётгани, бунда соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилгани муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлади.

— Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизimini янада та-

комиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган. Маълумки, Фармонга биноан, умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ, диссертация химоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртдан кейинги таълимнинг бир босқичли тизimini жорий қилиш, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юртдан кейинги таълим тизimini янги талабларга мувофиқ аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш белгиланган.

2-бет

### Семинар

## ЎзМТДП фракцияси ва депутатлик гуруҳлари

ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш долзарб вазифа

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамкорлигида «ЎзМТДП фракциясининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари» мавзусида семинар ташкил этилди.**

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, Тошкент вилояти Кенгаши фаоллари, Халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўтган йиллар давомида ЎзМТДП фракцияси ва депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кенгайди. Буни марказ ва жойларда ташкил этилаётган турли тадбир, семинар ва давра суҳбатлари мисолида кўриш мумкин. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ахборотларини Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясида тинглаш амалиёти йўлга қўйилгани мазкур йўналишдаги ишлар самардорлигини янада оширмоқда.

Тадбирни ЎзМТДП фракция-

си раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳаёт талабларига ҳамоҳанг бўлган кўппартиявийлик тизими вужудга келди. Сиёсий партияларнинг жамиятнинг ислоҳ қилишдаги ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бораёпти. Бу эса улардан сайланган барча даражадаги депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шу нуқтаи назардан партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро алоқани янада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур семинар ЎзМТДПнинг ғоя-мақсадлари аҳолининг турли қатламлари орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳлари сафини кенгайтириш, партиянинг электорати манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилишга қаратилган вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

3-бет

### Муносабат

## Кенг қўламли ислохотлар

турмушимиз ободлигига хизмат қилмоқда

**Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқойишталик, халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаётганлиги ҳамда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг миқёсда ислохотлар замирида мустақиллик берган имкониятларни кўрамиз. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида ҳудудда истиқлол йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислохотлар ҳамда улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари таҳлил қилинди.**

Таъкидланганидек, кейинги етти йил мобайнида вилоятнинг янги худудий маҳсулот 2 баробар, саноат 2,9 баробар, қишлоқ ҳўжалиги 1,6 баробар, пуллик хизматлар 2,7 баробар, қурилиш ишлари 3,4 баробар ошди. Саноат соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда технология янгилаш, мавжуд маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оши-

риш, халқаро бозорда рақобатбардош, қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар барпо этиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани ўзининг салмоқли натижаларини бераётди. Ушбу рақамлар мустақиллик йилларида олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаати, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва

эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига хизмат қилаётганидан далолат беради.

Юртбошимиз ўз нутқида ҳозирги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш масаласига эътибор қаратиб, жумладан, шундай дедилар: "Вилоятда 2006-2012 йилларда, яъни охириги етти йилда ярим миллионга яқин иш ўрни яратилгани ва бунинг қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилгани катта ютуғимиз сифатида қабул қилишимиз керак". Ушбу эътироф биз депутатларни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди. Хусусан, жорий йилда вилоятимизда 80 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар ижросини таъминлаш орқали халқ фаровонлиги, Ватан равнақи ва юрт тинчлигига эришиш мумкин. Шу боис маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ва худудий партия ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борадаги вазифаларни амалга оширишга яқиндан туриб кўмаклашамиз.

**Комилжон ОТАХОНОВ, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

### Ҳуқуқий эксперимент

**Юртбошимизнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синовий бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида"ги Фармойиши қабул қилингандан сўнг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ишчи комиссияси иштирокида Самарқанд вилоятида йиғилиш ўтказилиб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.**


## Очиқлик ва ошқоралик кафолати

Айни пайтда қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ишчи комиссия аъзолари иштирокида семинарлар ташкил этилиб, ахборотдан фойдаланувчи ва унинг ҳуқуқлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш юзасидан маърузалар тингланмоқда.

2-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





**Фракция ҳаёти**



# Миллий манфаатларимизга дахлдор

конун лойиҳалари муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан келиб чиқиб, конун лойиҳасида Меҳнат ва Уй-жой кодекслари, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги, «Таълим тўғрисида»-ги Қонунлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига тегишли ўзгаришлар киритиш таклиф этилмоқда. Урни келганда тасдиқлаш жоизки, ушбу конун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизда таълим, илм-фан соҳасини янада ривожлантириш ва илмий зиёлилар бундан буён ҳам фаол қўллаб-қувватлаш мақсадларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, - деди нотик.

Бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалардан сўнг ушбу конун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Фракция аъзолари «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги конун лойиҳасини кўриб чиқишди.

Таъкидланганидек, конун лойиҳасининг асосий мақсади давлат суғурта органлари билан ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий суғуртасига доир муносабатларни тартибга солишни тақомиллаштиришга қаратилган.

Йиғилишда депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуровори томонидан киритилган «Мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги институти тақомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги конун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, «мансабдор шахс» ва «масъул мансабдор шахс» атамаларининг ҳуқуқий таърифи ўрганиб чиқилганда бир қатор камчиликлар мавжудлиги маълум бўлган. Хусусан, ушбу атамалар ўртасидаги аниқ чегараларнинг йўқлиги уларнинг турлича талқин этилишига ва амалиётда нотўғри қўлланилишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, қўлла-нилаётган атамаларни тўри ва бир хилда талқин этиш, жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадида «мансабдор шахс», «масъул мансабдор шахс», «ҳокимият вакили» атамаларининг янги таърири назарда тутилган ҳамда «жамоатчилик вакили» ҳақидаги янги атама билан тўлдирилган мазкур конун лойиҳаси ишлари қилинди. Унга қўра, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган, доимий, вақтинча ёхуд маълум ваколатга қўра вазифаларини амалга оширувчи ҳокимият вакиллари «масъул мансабдор шахс» атамасидан «мансабдор шахс» атамасига ўтказилмоқда. Шунингдек, «мансабдор шахс» тушунчасига жамоатчилик вакили, яъни давлат органи номидан иш қўрмайдиган, лекин тегишли тартибда ҳокимият вакили ваколатлари юқлатилган шахслар киритилгани муносабати билан Жиноят кодексининг VIII-бўлимни «жамоатчилик вакили» атамаси билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Мазкур масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари ушбу конун лойиҳасининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя

қилишда маданий, тарихий аъналарни қўллаш, ватанпарварлик тафаккурини тарбиялаш орқали жамиятда конун устуворлигини таъминлашга қўмаклашиш борасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлишини эътироф этишди.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган «Суд тизими фаолиятининг янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги конун лойиҳаси Президентимизнинг суд ишларини мустақил юриштиш ва суд органлари ҳодимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатларни кучайтириш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда судлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича, судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга кўрсатиш ишларини тақомиллаштиришга қаратилган Фармон ва Фармойишлари юзасидан ишлаб чиқилган. Мазкур масала юзасидан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдиль Тўхташев маъруза қилди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, конун устуворлигини таъминлаш ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд ҳокимиятини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, конун устуворлигини таъминлаш ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда суднинг роли ва аҳамиятини кўтаришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.**

да суднинг роли ва аҳамиятини кўтаришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, - деди нотик. — Конун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»-ги, «Нотариат тўғрисида»-ги, «Адвокатура тўғрисида»-ги ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги конунлари киритилиши таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар судьялик лавозимига номзодлар танлаш ва тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, юқори мақомга эга бўлган судьялик лавозимига катта таърибга эга бўлган юқори мақомага эга бўлган депутатлар мазкур конун лойиҳалари ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги конун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу

лойиҳа мамлакат миқёсида стратегик аҳамиятга эга бўлган нефть ва газ маҳсулотлари соҳасидаги жиноятларнинг содир этилиши учун жиддий жавобгарликни кучайтириш ҳамда қувар ўтказгичлар устидан назорат қилишнинг янада самаралироқ методикасини жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Фракция аъзолари бу масала юзасидан ҳам тегишли таклиф ва мулоҳазаларини баён этиб, конун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқуллади.

Фракция аъзолари «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»-ги ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги конун лойиҳаларини муҳокама қилишди.

Мазкур конун лойиҳалари «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг мақсади юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўлишнинг тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунобузилликлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига муносабатлари тартибин янада тақомиллаштиришдан иборатдир. Жумладан, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»-ги конун лойиҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилот-

лар томонидан юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига муносабатлари тартибин янада тақомиллаштириш назарда тутилган.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги конун лойиҳасида эса фақат фуқароларга эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам муносабатлари тўғрисидаги қонунобузилликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш кўзда тутилмоқда. Ушбу масалалар юзасидан сўз олган депутатлар мазкур конун лойиҳалари ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, таъминлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлашга қўмаклашиш, ишлаб чиқилётган конун ҳужжатларига маънавий-миллий қадрият ва аъналарнинг сингдириш каби вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Камолитдин ҲОТАМОВ, «Миллий тикланиш» мухбири**

**Ўқув-семинар**

# Партия гоёси ва мафқураси

уни тарғиб этишнинг долзарб масалаларига бағишланди

**Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Марказий Кенгаши томонидан «Партия гоёси ва мафқурасини тарғиб этишнинг долзарб масалалари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партия Қашқадарё вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.**

Тадбирни ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Ҳайдаров киритиш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Партия гоёси ва мафқурасини кенг тарғиб этиш, электротар муаммоларини ўрганиш, уларнинг манфаатларини таъминлашда ЎзМТДПнинг ҳар бир аъзосидан фаол сазй-ҳаракатлар талаб этилади. Бугунги семинар иштирокчилари ҳам партия кадрларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини янада ошириш, партия гоёси ва мафқураси, дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб этишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этиш борасида зарур билим ва малакага эга бўлишлари шубҳасиз.

Шундан сўнг, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Урал Хайтов «ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг конун ижодкорлиги фаолияти ва ташаббуслари» мавзусида маъруза қилди. Нотик ўз сўзига партия гоё ва мафқурасини тарғиб этиш ЎзМТДПнинг барча даражадаги депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юқлатиш, фракция аъзолари бу масъулиятни чуқур англаган ҳолда фаолият олиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Жумладан, ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан олиб чиқилган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминлиниши ва сайловга оид конун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида»-ги конунлар мазмун-моҳияти ва уларга нисбатан партия позицияси тўғрисида тўхталиб ўтди. Эътироф этилганидек, партия гоёси ва мафқурасини тарғиб қилишда партия етакчилари ва депутатларнинг нотиклик маҳорати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Партия фаоллари ва етакчилар аҳоли орасида бўлганда, турли тадбир ва учрашувларда доимо партия номидан гапиради. Сайлов жараёнларида теледебат ва мулоқотларда, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида фаол иштирок этади. Шу боис, уларнинг нотиклик маҳоратини ошириш бугунги кун талаби. Зеро, уларнинг фикр-мулоҳазалари, дунёқарашига қараб сайловчи бутун партия фаолиятига баҳо беради.

**Аслиддин ҒУЛОМОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:**

— ЎзМТДП ўз сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, қонунийлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилик принципларига амал қилган ҳолда, электротари манфаатларини қонуний тарзда ҳимоя қилади, уларнинг муаммоларини бартараф этишга қўмаклашади. Бу муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда ҳудудий партия ташкилотларининг ўрни беқийёс. Бунда ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлар томонидан аҳолининг барча қатламлари орасида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва учрашувлар ўтказилиб, партия мафқураси, гоёси, дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш билан бир қаторда, жойларда электротар билан боғлиқ муаммоларни ҳам ўрганиш қутилган натижани беради. Бугунги семинарда тақдим этилган маърузалар ана шундай саволларга ечим топилша муҳим аҳамият касб этади.

**Рустам ХҲҲАҚУЛОВ, ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Бугунги кўппартиявийлик шароити ҳар бир сиёсий партиядан ўз гоё ва мақсадларини тарғиб қилишнинг янги ва замонавий усулларини қўллаб, электротар ишончини қозонишни тақозо этади. Мазкур ўқув-семинар иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш билан бир қаторда, электротар билан ишлаш, партия гоёларини тарғиб қилишнинг замонавий услулари янги жорий қилишда жаҳон таърибасидан фойдаланиш ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлишимизга хизмат қилди. Семинарда тақдим этилган маърузалар сиёсий етакчи қандай бўлмоғи керак, партия гоёларини тарғиб қилишнинг энг самарали усуллари нималарда номоён бўлади, деган саволларга жавоб топишга қўмак берди.

**Шоҳида МАРС қизи, «Миллий тикланиш» мухбири**

**Ҳуқуқий эксперимент**

# Очиқлик ва ошкоралик кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, ахборотларни ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ҳолатларда жойлаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш тартиблари, расмий веб-сайт ташкил этиш ва унда ахборотларни жойлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш юзасидан ҳам маълумотлар берилмоқда.

Бу сазй-ҳаракатлар замирида мазкур конунини янада тақомиллаштириш, шунингдек, мамлакатимиз қонунчилик тизимида янги таърибга ҳисобланган ҳуқуқий эксперимент тартиб-таъминларини шакллантириш мақсади ётади. Ҳуқуқий эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Биз бу ҳақда соҳага оид мутахассислар билан учрашиб, уларнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Манноб ИБОДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари:**

— Президентимиз фармойишида таъкидланганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли билан ўзаро мулоқот-муносабатини замонавий тамойиллар асосида ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада тақомиллаштириш даври етиб келди. Шу маънода конун лойиҳаси, аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса бевоσιта аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаб, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро алоқаларини янада яқинлаштиради. Конун лойиҳасида давлат маҳкамала-

рига муносабат этиган фуқаро амалдаги қонунчиликка биннон белгиланган муддатда ўз муносабатида эъза жавоб олиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиши, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш муддатлари ҳам аниқ кўрсатилган. Агар сўров давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг ваколатига кирмаса, муносабатга рўйхатга олинган даврдан бошлаб уч кун ичида тегишли жавоб юборилади.

Яна бир муҳим жиҳат, агар фойдаланувчининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўрови рад этилса, бу ҳолда унинг сабаблари фойдаланувчига асослаб берилиши лозим. Урни келганда айтиш жоизки, бюджет ҳокимлигига жорий йил бошидан буён 198 та муносабат келиб тушган бўлиб, уларга ўз вақтида жавоблар кайтарилди. Ҳуқуқий таърибга ўтказиш жараёни эса ўз вазифамизга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

**Азамат ПАРДАЕВ, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд ҳудудий бўлинимаси раҳбари:**

— Аввало таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий эксперимент фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шакллари кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти билан жамоатчиликни хабардор қилиш жараёнларини белгилаш каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади. Шунингдек, ҳуқуқий таърибга ўтказишнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида

Семинарда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан ижро этилиши ҳолати ҳам аҳолига муҳокама қилинди. Партия депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини янада ошириш, электротар манфаатларини ифода этувчи масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этиш ва депутатларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўқув-семинарда «Жамоатчилик сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва жамиятда демократик жараёнларни янада ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни», «ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг конун ижодкорлиги фаолияти ва ташаббуслари», «Партия фаолиятида сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати», «Партия ташкилотларида ЎзМТДП гоёси, мафқураси, дастурий мақсадларини тарғиб-ташвиқ қилишнинг устувор йўналишлари», «Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан ижро этилиши механизмлари» каби довлар мавзуларда маърузалар тингланди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ, «Миллий тикланиш» мухбири**



Семинар

ЎзМТДП фракцияси ва депутатлик гуруҳлари

ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш долзарб вазифа



(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ахтам Турсунов истиклол йилларида юрти- мизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалар билан бирга демократик-ҳуқуқий давлат куриши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида ҳам улкан қадамлар ташланганини таъкидлади.

— Эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши, маънавий қадрият, урф-одат ва анъаналар ҳамда тарихий меросимизни асраб-авайлашга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Ушбу йўналишдаги ишларимиз самарадорлиги ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фаолият ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шундай экан, улар биринчи гада маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия мақсад-муддаоларини рўйбга чиқариш ва энг муҳими, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни киритиши ҳамда ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратишлари

лозим, - деди партия раҳбари. Йигилишда ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳидан даврдари фаолияти юзасидан ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, Тошкент вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни исчила амалга ошириш, депутатлик назорати ишлари, сайловчилар билан учрашувлар ҳамда турли тадбирларни ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган 2012 йил давомида 29 та масала атрофида ўрганилиб, 34 та депутатлик сўрови амалга оширилган. Депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 48 та масала маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқилиб, партия электрот манфаатларига хизмат қилувчи тегишли қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, партиянинг дастурий мақсадларида кўзда тутилган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури"нинг ижроси, "Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" ҳамда "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш" каби масалаларнинг жойлардаги ҳолатини ўрганиш юзасидан мутасадди идора ва ташкилотларга депутат-

лик сўровлари юборилган ва уларнинг амалий ижроси назоратга олинган.

Тадбир якунида ЎзМТДП электрот манфаатларини ҳимоя қилишда ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия депутатлик гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтириш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди.

Мунира ҚОРИЕВА, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати: — ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия электрот манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда депутатлик гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада депутатлик гуруҳимиз томонидан қатор ташаббуслар амалга оширилди. Жумладан, 2012 йил 3 январь кунини бўлиб ўтган ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XVIII сессиясида муавин касс-хунар қонунлари ўқувчиларининг пухта билим олишларига кўмаклашиш,

уларнинг дарсларга қатнашиш давоматини тўла таъминлаш, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида амалий тақлифлар киритилди. Шунингдек, ҳалқ депутатлари Бекқобод шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан партияимиз дастурий мақсадларига мос бўлган аҳолининг соғлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий ҳавфи касалликлар профилактикаси ва уларга барҳам беришга, соғлом турмуш тарзи анъаналари ва саломатлик маданиятини тарғиб қилишга қаратилган "Аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш" ҳамда "Ноқонуний дори-дармон сотувида йўл қўймастик" каби масалалар сессия кун тартибига киритилиб, ижобий натижага эришилди.

Партияимизнинг сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган ёшларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадларидан келиб чиқиб, ҳалқ депутатлари Бўка туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессияси кун тартибига "Умумий ўрта-таълим мактаблари кутубхоналари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий адабиётлар билан таъминлашни аҳоли" мавзусидаги масала киритилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Ҳалқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан эса, "Янгийўл туманида 2012 йилнинг 4 чорагида амалга оширилган тегишли хизматларнинг ҳолати", "Янгийўл тумани ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини тегишли таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидани умумий ўрта таълим мактабларига таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Давлат таълим стандартлари" каби ҳужжатлар талаблари асосида ёшларга таълим-тарбия беришининг ҳолати" масалалари сессия кун тартибига киритилган. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бу каби семинарлар депутатлик гуруҳлари ахборотларини тинглаш билан бирга ўзаро тажриба алмашиши, янги тақлиф ва ташаббусларни илгари суришда ҳамкорликка ҳаракат қилиш имконини беради. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари фаолияти юзасидан доимий мониторингинг йўлга қўйиш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилишга ҳам эътибор қаратилаётгани фаолиятимиз

самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Насиба ҚОРАБОЕВА, Ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, ҳалқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куришга кўмаклашиш партияимизнинг дастурий мақсадларидан саналади. Албатта, буйўналишда самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар зиммасига алоҳида маъсулият юклайди. Чунки, улар бевосита ҳалқ орасида яшаб, партия ижтимоий қатламига мансуб аҳолини қандай масала ва муаммолар уйлантираётганини чуқур ҳис этишади. Кейинги вақтларда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятини ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида танқидий-таҳлилий ўрганиш ва муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилгани ўз самарасини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз.

Эътироф этиш керакки, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Зеро, жорий йил 1 апрель кунини бўлиб ўтган ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида маъруза қилган Президентимиз вилоятда эришилаётган ютуқлар билан бирга, турли соҳалардаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратиб, жамоат ташкилотларининг фаолиятини талабчанлигига боғлиқ бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Шундан келиб чиқиб, ЎзМТДПнинг ҳудудий партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлари ўз фаолиятларини янада кучайтириши, партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни самарали бажариш юзасидан ташаббус кўрсатиши лозим.

Семинарда жорий йилда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ЎзМТДП дастурий мақсадларини исчилла билан амалга ошириб, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш — устувор вазифа сифатида белгиланди.

Камолиддин САИДҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" муҳбири

Хроника Дастурий мақсадларимиз ижроси йўлида

партия ташкилотлари фаоллик кўрсатишга интиломқда ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

Партия ҳудудий ташкилотларида "Обод турмуш йили"га бағишланган тадбирлар давом этмоқда. ЎзМТДП Қўнғирот туман Кенгаши томонидан "Оила мустаҳкамлиги - турмуш ободлиги" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, туман маънавият тарғибот маркази ходимлари, "Камолот" ЁИХ туман Кенгаши ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни партия туман Кенгаши раиси Алимжон Ембергенов кириш сўзи билан очиб, жамиятда оиланинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтди.

— Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, миллий урф-одатларимизни сақлайдиган муқаддас даргоҳ, келажагимизга хизмат қиладиган баркамол авлод вакиллари вояга етказувчи тарбия ўчоғидир. Ҳалқимиз азалдан оила ва унинг шаънини муқаддас санаб келган. Шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "Юсак маънавиятли оила орқали — юсак тараққиёт сари" ғоясига асосланган ижтимоий-маънавий лойихани амалга оширишни мақсад қилган ЎзМТДП ҳам ўз фаолияти давомида оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Таъкидланганидек, бугунги кунда оилалар мустаҳкамлиги ва фаровонлиги йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган саёҳ-ҳаракатлар натижасида юртимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурмақда, турмушимиз обод бўлмоқда. Бу жараён-да партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ЎзМТДП ташкилотларининг доимий эътиборида бўлади.

Ушбу йўналишдаги ишларимиз самарадорлиги ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фаолият ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шундай экан, улар биринчи гада маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия мақсад-муддаоларини рўйбга чиқариш ва энг муҳими, электрот манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни киритиши ҳамда ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратишлари

лозим, - деди партия раҳбари. Йигилишда ҳалқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳидан даврдари фаолияти юзасидан ахбороти тингланди. Таъкидланганидек, Тошкент вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни исчила амалга ошириш, депутатлик назорати ишлари, сайловчилар билан учрашувлар ҳамда турли тадбирларни ўтказиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган 2012 йил давомида 29 та масала атрофида ўрганилиб, 34 та депутатлик сўрови амалга оширилган. Депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 48 та масала маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқилиб, партия электрот манфаатларига хизмат қилувчи тегишли қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, партиянинг дастурий мақсадларида кўзда тутилган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури"нинг ижроси, "Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" ҳамда "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш" каби масалаларнинг жойлардаги ҳолатини ўрганиш юзасидан мутасадди идора ва ташкилотларга депутат-

лик сўровлари юборилган ва уларнинг амалий ижроси назоратга олинган. Тадбир якунида ЎзМТДП электрот манфаатларини ҳимоя қилишда ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия депутатлик гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтириш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди. Ўрни келганда айтиш жоизки, бу каби семинарлар депутатлик гуруҳлари ахборотларини тинглаш билан бирга ўзаро тажриба алмашиши, янги тақлиф ва ташаббусларни илгари суришда ҳамкорликка ҳаракат қилиш имконини беради. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари фаолияти юзасидан доимий мониторингинг йўлга қўйиш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилишга ҳам эътибор қаратилаётгани фаолиятимиз

самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз. Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

Самарадорлигини таъминлаши шубҳасиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ҳалқимизнинг бой ва бетакдор маданияти, маънавий, ахлоқий ҳада миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқаролар, айниқса, ёшларни миллий гуруру ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маданият-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан саналади. Бу борада партия "Ёшлар қаноти" томонидан қатор лойиха ва акциялар ташкил этилмоқда.

Ана шундай лойихалардан бири "Озод юртинг обод гўшаси" деб номланган акция ЎзМТДП Паркет туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Заркент ота" зиёратгоҳида ўтказилди. Акция доира-сида туман ёшлари билан биргаликда зиёратгоҳ ҳудудида ободонлаштириш ва кўкжалмзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

— Мазкур зиёратгоҳ азалдан муқаддас маскан сифатида зиёратчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда, - деди ЎзМТДП Паркет туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Қодир Турғунов. — Ушбу акцияни ўтказишдан асосий мақсад зиёратгоҳни янада обод қилиш ҳамда ёшларни бой маънавий меросимизни асл ҳолича асраш ва келажақ авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар билан яқиндан таништириш, миллий қадриятларга эҳтиром, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдир.

Эътироф этилганидек, "Озод юртинг обод гўшаси" акцияси ёшлар иштирокида тарихий обида, зиёратгоҳ ва қадимжоларни ободонлаштириш, кўкжалмзорлаштириш орқали уларни она Ватаннинг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлаш, муқаддас деб би-лишга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

М.КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Юртимизда кечаятган демократик ислоҳотлар сиёсий партиялар олдига уларнинг асосий таянчи бўлган кўйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, сайловчи билан ҳамкорлигини мунтазам кенгайтириш борич, электрот манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларни кучайтириш каби долзарб вазифаларни қўймоқда. Зеро, партия ғоя ва мақсадларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларни амалга ошириш, энг муҳими, партия ижтимоий қатлами ҳамда электрот манфаатларини ҳимоя этиши каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади.

Кўйи бўғинларга юқори эътибор

қаратиб ташаббускорликни доимий шиоримизга айлантирамиз

Бу борада ЎзМТДПнинг ўзига хос тажрибаси шаклланиб улгурган, десак хато бўлмайди. Жумладан, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, партия вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, турли мавзуларда тадбир, давра суҳбати ҳамда ўқувлар ташкил этиш орқали кўйи бўғинлар етакчиларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш ва етак қадрлар захирасини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши таркибида 8 минг 114 нафар партия аъзосини бирлаштирган 306 та бошланғич партия ташкилотли фаолият кўрсатмоқда. Улар партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, асосийси, электрот манфаатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишга интиломқда.

Ўтган йили партияимиз туман, шаҳар Кенгашлари таркибидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришга қаратилган қатор ўқув-семинарлар ташкил этилди. Уларда кўйи бўғинларни сон ва сифат жиҳатдан такомиллаштириш, электрот ва хайрихоҳлар билан иш олиб бориш самарадорлигини ошириш, бошланғич ташкилотлар сафига ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор, ғоя ва мақсадларимизга ишонган аъзоларни жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди. Ўқув-семинар, тарғибот ишларимиз самараси ўларок, жорий йилда бошланғич партия ташкилотлари сони органини кузатиш мумкин. Яъни ортадан қолган йилда вилоятда 156 та кўйи бўғин фаолият юрит-

ган, ҳозир улар 306 тани ташкил этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугун қайси сиёсий партия янги қонун лойиҳалари, ташаббуслар билан чиқишга ҳаракат қилса, сиёсий жараёнларда фаоллик кўрсатса, ўз ғоялари билан кенг жамоатчилик ичига чўқур кират олса, ушбу партиянинг электрот кенгайиб, аъзолари сони ортиб бораверади. Бу борада, айниқса, партиянинг кўйи бўғинлари томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами алоҳида аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, бошланғич партия ташкилотлари томонидан ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш борасидаги тарғибот ишларимиз аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришимизга имкон яратмоқда. "Миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш — ЎзМТДП эътиборида", "Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифамиз", "Хотин-қизларнинг жамиятини модернизация қилиш йўлидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш — партия эътиборида" каби мавзулардаги тадбирлар аҳолининг барча қатламларининг манфаатларини қамраб олиши билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Келгусида ҳам бошланғич партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлар ҳамкорлигида шу каби тарғибот ишларини давом этириб, фаоллик ва ташаббускорликни доимий шиоримизга айлантирамиз.

Амирбек ИКМАТОВ, ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси, Шоҳида ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Фаолиятга танқидий назар

келгуси муваффақиятлар гарови

Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партияси фуқароларга ўзликни аниқлаш, миллий гуруру, ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш, ҳалқимизнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатларини асраш ҳамда ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашишнинг ўзининг устувор вазифалари сирасига киритган. Ушбу дастурий мақсадларни амалга оширишда партиянинг ҳудудий ташкилотлари билан бир қаторда бошланғич партия ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутади.

Партия Денов туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган "Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусидаги семинарда шү хусусида сўз борди. Унда партия Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, ЎзМТДП Денов, Сариевиг, Узун туман Кенгашлари қошидаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Денов туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Таштемир Турдиев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Ҳар бир сиёсий партиянинг асосий таянчи кўйи бўғинлар саналади. Уларнинг самарали фаолият юритиши партиянинг нуфузини белгилаб беради. Шү нуктага назардан ЎзМТДП ўз фаолияти давомида кўйи бўғинлар ишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбир, ўқув-семинарлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги ўқув-семинарда биз нафақат Денов тумани, балки бошқа қўшни туман партия ташкилотлари қошидаги кўйи бўғин етакчиларини ҳам тақлиф этдик. Мақсадимиз уларнинг

иш фаолияти, ютуқлари, ўзига хос тажрибасини бошқа кўйи бўғин етакчиларига намуна қилиб кўрсатиш, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишни иборат.

Семинарда таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилотларига партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, электрот манфаатларига қаратилган иш олиб бориш, тарғибот тадбирлари ташкил этиш ҳамда хайрихоҳлар ва аъзолар сафини кенгайтириш каби ҳал қилувчи вазифалар юклатилган. Афуски, ЎзМТДП Денов туман Кенгаши қошида фаолият юритаётган кўйи бўғинларнинг барчасини ҳам ўз ишини намунали йўлга қўйган, деб айтиш олмайдим. Кўйи бўғинлар фаолиятида учраётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган маъруза ва амалий машгулотлар семинар иштирокчиларининг билим ва кўникмалари ошишига хизмат қилди.

Фазилат ХОЛИҚОВА, ЎзМТДП Денов туман Кенгаши бошланғич партия ташкилотли етакчиси:

— Бошланғич партия ташкилотимизнинг 75 нафар аъзоси партия дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида тарғибот ишларини олиб бораётган кўйи бўғин аъзоларининг аксарияти зиёли, фаол ва ташаббускор. Шү боис жойларда мунтазам ташкил этаётган тарғибот тадбирларимиз биз кутган натижага бермоқда. Бу каби тадбирлар фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилишга имкон беради. Шү нуктага назардан, бугунги семинар ҳам туманимиздаги барча кўйи бўғинлар фаолиятини чуқур ўрганиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб олиш, партиявий билим ва кўникмаларимизни оширишга хизмат қилди.

Насиба АЛИМАРДОНОВА, ЎзМТДП Денов туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мутахассиси





**Ҳамкорлик**

*Мамлакат ва халқи-миз манфаатларини қўлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишларда фаол иштирок этганини тарбиялашнинг ўта муҳим вазифаси деб биледи.*



ЎЗМТДП сайловолди Платформасидан

**Миллийликдан куч олган спорт**

ЎЗМТДП ва “Ўзбек жанг санъати” Федерацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми янги гоёларга чорламоқда

*Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратиб келинаёттир. Айниқса, миллий спорт турларини ривожлантириши ва дунёга таништириши орқали ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.*

ши, “Ўзбек жанг санъати” Федерацияси Самарқанд вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида “Обод турмуш йили” муносабати билан 7-17 ёшдаги рағли белбоғ соҳиблари ўртасида вилоят очик чемпионати ўтказилди. Мусобақада спортчилар Темурийлар жанг усули (жамоавий), шахсий беллашув (сарик, кўк, қизил ва қора белбоғ соҳиблари ўртасида) ҳамда комплекс машқлар (жамоавий) бўйича ўз маҳоратларини намойиш этилар.

ларда кўлга киритилаётган муваффақиятларга замин яратётганлигини мамнуният билан таъкидлаб, мусобақанинг барча қатнашчиларига омад ва зафарлар тилашди.

Кизгин ва мурасасиз баҳсларга бой тарзда ўтган мусобақада Самарқанд ҳамда Жиззах вилоятидан келган 200 нафарга яқин спортсевар ёшлар иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, 1-уринни Р.Юсупов, 2-уринни Ф.Рўзиев ва 3-уринни И.Исмамовлар кўлга киритишди.

**Ҳалим ЮСУПОВ,**  
*“Ўзбек жанг санъати” Федерацияси Самарқанд вилоят бўлими раиси:*

— Бугун мамлакатимиз ёшлари орасида Ўзбек жанг санъатига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўтказилаётган ҳар бир мусобақа янгидан-янги номларни кашф этмоқда. Эътиборлиси, халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятларимиз салмоғи ҳам йилдан-йилга юксалиб, бунда, энг аввало, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ёшларга яратиб берилаётган шароитлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу каби мусобақаларни ташкил этишда биз билан ёнма-ён туриб, ҳамкорлик қилаётган ЎЗМТДП фаолларининг савий-ҳаракатлари ҳар жиҳатдан етук ва ватанпарвар ёшларни вояга етказишда муҳим ўрин тутди.

**Алишер КУБАЕВ,**  
*ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:*

— Спортга эътибор қаратишнинг аҳамияти шундаки, у болаларнинг нафақат жисмонан соғлом, кучли ва бардам бўлиб ўсишига ёрдам беради, балки уларнинг бўш вақтини мазмунан бойитади. Партия ҳудудий ташкилотлари ва федерациянинг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган бу каби спорт мусобақалари маҳоратли ёш спортчиларнинг кашф этилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Азамат ҲАЛИМОВ,**  
*ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби,*  
**Шоҳида МИРЗАЕВА,**  
*“Milliy tiklanish” мухбири*

**Аёллар қаноти**

**Жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш**

ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти”нинг асосий мақсадига айланмоқда

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этганини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган.*

бирларида “Жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оширишда ЎЗМТДПнинг ўрни”, “Мустаҳкам оилани шакллантиришда тиббий кўриқнинг аҳамияти”, “Эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари”, “Қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймайлик” каби мавзуларда маърузалар тақдим этилди. Бу нафақат ёш қизлар учун, балки уларнинг устоз ва мураббийлари, айниқса, оналари учун сабоқ бўлди, дейиш мумкин. Шунингдек, ёшларнинг оилага бўлган муносабатини шакллантириш билан бирга, ҳуқуқий ва тиббий билимларининг ошишига хизмат қилмоқда.

ЎЗМТДП Тошкент шаҳар ҳамда Яққасарой туман Кенгаши ҳамкорлигида “Спорт-сати” томонидан корхона ва ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошлангич партия ташкилотларида хотин-қизларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни миллий ва маънавий қадриятларга асосланган оилавий ҳаётга, баркамол оналикка тайёрлашга кўмаклашиш борасида 100 га яқин тадбир ўтказилди. Тарғибот та-

кор, ҳунарманд аёллар, оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар, маҳалла фуқаролар йиғинларидан келган уй бекалари жалб этилди. Бу эса тадбирнинг кўлами ва аҳамиятини оширди. Мазкур спорт мусобақаси кенг жамоатчилик орасида яши таассурот қолдирди. Шу боис, уни ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этишни партия шаҳар Кенгаши режасига киритди.

Таъкидлаш жоизки, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз-шоғирд” анъанасини давом эттириб, соҳани ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур вазифани амалга ошириш, миллий ҳунармандчилик мактабларини кўллаб-қувватлаш, қадриятларимиз давомчиларга ва оилавий тадбиркорларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш мақсадида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти”, “Тадбиркор ва ишбилармон аёллар” ҳамда

“Ҳунарманд” уюшмалари Тошкент шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Ушбу тадбирларда тадбиркор ва ҳунармандларнинг ижод намуналари кўргазмаси намойиш этилмоқда.

ЎЗМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида назарда тутилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда юксак билим ва малакага эга бўлган фаол хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, юксак салоҳиятли, янгиликка интилувчан аёлларга ўз истеъодларини намойиш қилишлари учун имконият яратиш мақсадида партия Марказий Кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Донорлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўриқ-танловида ҳам Тошкент шаҳри вакиллари муносиб иштирок этишмоқда. Мазкур кўриқ-танловда иштирок этишни хоҳловчилар сони йилдан йилга ортиб бораётгани қувонарли, албатта. Жумладан, ўтган йили кўриқ-танловнинг туман босқичида 70 нафарга яқин иштирокчи ўз

маҳоратини намойиш этди, голибликни кўлга киритган 12 нафар хотин-қиз шаҳар босқичига йўланма олди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилиши партия Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” аъзоларини ҳам руҳлантириб юборди. Боиси юрт ободлиги йўлида амалга оширилаётган ҳар бир ишда биз аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор. Шу нуктага назардан кўриб йилда ҳам бошлаб юбориши. ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти”, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамда “Medium medical servis” тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир йиғиланганда катта таассурот қолдирди. Партия ҳаракат дастурида белгиланган жамиятда меҳр-мурувват, ҳомийлик ва юксак тиббий маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил

этилган тадбирда шахримиздаги бир неча туманлардан ташриф буюрган, ноғиронлик аравачасига муҳтож беморларга ҳомийлар томонидан ноғиронлик аравачалари, спорт мактаби ва институтга тиббий жиҳозлар топширилди.

Мухтасар айтганда, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, хотин-қизларнинг жамиятдаги ва оиладаги мавқеини ошириш, она Ватанга ва миллий қадриятларга бўлган муҳаббат туйғусини янада мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, энг асосийси, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтириш фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Жорий йилда ҳам амалга ошираётган ишларимиз кўламини бундан да кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

**Махсуда ПОЯНОВА,**  
*ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси*

*ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан Мирзаобод туманида миллий қадрият, маданий мерос ва урф-одатлар тарғиботида бағишланган “Миллий қадрият ва анъаналаримиз кўзгуси” мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎЗМТДП Сирдарё вилоят ҳамда Мирзаобод тумани Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ва ижодкорлар иштирок этди.*

Тадбирда ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Олтинчи Эсонова сўзга чиқиб, қуйидагиларни эътироф этди: — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришни ўзининг асосий мақсади деб биледи. Бу борада фракцияимиз аъзолари, “Ёшлар” ва “Аёллар қаноти” билан ҳамкорликда юртимиз ёшларининг фаоллигини ошириш, истеъод ва маҳоратларини намойиш қилишга қаратилган “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар —

**Тарғибот**  
**Қадриятларни қадрлаган юрт**

партия дастурий мақсадлари — амалда

ёшлар нигоҳида”, “Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида”, “Озод юртининг обод гўшаси” каби қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Уларда иштирок этаётган ёшлар ватанпарварлик ҳамда миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши шубҳасиз.

Таъкидланганидек, ёшларни ватанпарвар, ўз халқига садоқатли, комил инсонлар бўлиб улғайишида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизнинг ўрни беқиёс. Шу боис, юртимизда мустақиллик йилларида миллий ўзланишни англаш, ажодлар мероси ва миллий қадриятларимизни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда партия хайрихоҳлари бўлган ижодкорлар ўқиган халқона шеърлар барчага манзур бўлди. “Сирдарё наволари” ашула ва рақс дастаси томонидан намойиш этилган концерт дастурида кўҳна юртимизнинг миллий урф-одат ва анъаналари ўз ифодасини топди.

Тадбир доирасида спорт мусобақаси ўтказилиб, унда ёшлар миллий кўраш бўйича ўзаро куч синашдилар.

**Янглиш НОРКУЛОВА,**  
*Халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгаши депутати:*

— Бугунги тадбир ёшлар онгига она Ватанга муҳаббат, унинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиш туйғусини шакллантириш, уларни тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тадбир доирасида ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига маданий мерос объектларининг сақланиши борасида олиб борилаётган ишларни қарор лойиҳаси сифатида киритиш лозимлиги ҳақида сўз борди. Чунки маданий-тарихий ёдгорликлар миллиятимизнинг бой тарихи намуналари сифатида ЎЗМТДПнинг доимий эътиборидадир.

**Азиз ЭСОНОВ,**  
*ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби,*  
**Мухтарама РАМАЗОНОВА,**  
*“Milliy tiklanish” мухбири*

**Экология ва ободонлаштириш**

партия ташкилотлари ушбу тарғибот тадбирларига масъулият билан ёндашмоқда

*Боғ яратиш билан ёшлар қалбида она табиятга, атроф-муҳитга, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини юксалтириш ўзбек халқининг миллий анъаналарида ҳисобланади. Бу каби миллий қадрият ва урф-одатларни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлод онгига сингдириш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий вазифаларидан саналади.*

Жорий “Обод турмуш йили” давлат Дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида партия Андижон шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Фаоллигини ҳаракати ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлини маси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва “Қаландархона” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида “Экологик тоза маҳаллам менинг” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни “Қаландархона” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Якубов кира сўзи билан очди.

— Кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Юртимиз, шахримиз, маҳаллаларимизни озода сақлаш, бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшиш, миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Барча юртдошларимиз экологик интизомга риоя қилиб, маҳалла ва хонадонларда мева-миён, манзарали дарактлар экиб, бу ишларга келажагимиз эгалари бўлган

ёшларни ҳам кенг жалб қилишга, айни мундза бўлади. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси билан ҳамкорлик олиб бораёғимиз. Чунки миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, уларни ёш авлод онгига сингдириш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш партиянинг дастурий гоё ва мақсадларидан саналади.

Таъкидланганидек, юртимизнинг экологик муҳитини яхшилаш, ҳар бир кўча ва маҳаллаларни тоза-озода сақлаш, айниқса, ёш авлод вакиллари бу ишга кенг жалб этиш, уларни ёшларнинг табиатга, она Ватанга меҳрли ва эътиборли қилиб вояга етказиш барчамиздан катта масъулиятни талаб қилади.

— Бугунги кунда экологиянинг бузилиши билан боғлиқ қатор муаммолар юзага келмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари А.Абаев. — Бу каби муаммолар бевосита инсоният саломатлигига ҳам жиддий таъсир қўрсатмоқда. ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, партия экологик хавфсизлигини, айниқ-

са, миллатнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш, экологик ва табиий фалокатларга дучор бўлиши мумкин бўлган зоналарда яшовчиларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадларида экологик хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш тарафдоридир. Қайд этиш жоизки, экологик масалаларга оид қонун ижодкорлиги жараёнида ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишапти. Хусусан, “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Ўзбекистон Республикаси “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ва бошқа шу каби қонунларнинг тайёрланиши ва тақомиллаштирилишида партия фракцияси аъзолари янгидан янги тақлифлар билан фаоллик кўрсатишмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар Андижон шаҳридаги Абдулҳамид Чўлпон номидаги боғда бўлиб, гул ва манзарали дарахт кўчатларини етдилар.

Давра суҳбати давомида миллий қадриятларимиз, табиий бойликларимизни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш, янги боғлар, гулзорлар яратиш ва экологияни турли зарарли омиллардан ҳимоялаш борасида вазифалар белгиланди, чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Ҳайрулло ВАСИЕВ,**  
*ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби,*  
**Мухтарама КОМИЛОВА,**  
*“Milliy tiklanish” мухбири*



# Маънавият

## Ёшлар билан гавжум

*Наманган давлат университети ахборот-ресурс марказида талаба ёшлар дарсдан бўш вақтини самарали ўтказмоқда.*

Илмга чанқоқ ёшларнинг интел-лектуал эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилаётган марказ фонди 254 мингдан зиёд китоб, даврий матбуот нашрлари, электрон қўлланма ва дарсликларга эга. Бу ердаги ахборот технологиялари, маънавий-маърифий, ахборот-библиография, мутолаа зали каби бўлимларда яратилган шарт-шароитлар замон талаблари даражасида.

Китобхоналарни ахборот билан тизимли таъминлаш мақсадида марказда илм-фан ва жамиятнинг турли жабҳаларига оид маълумотлар электрон базаси яратилган. “ZiyoNET” ахборот тармоғига уланган компьютерлар йигит-қизлар ихтиёрида.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)**  
олган сурат.



*Археологик ёдгорлик ва топилмалар ҳар бир халқнинг ўтмиши, тарихи, маънавияти ва қадриятларини ўзда жамлаган бебаҳо бойликдир. Шу жиҳатдан археологик ёдгорликларнинг қисман ёки тўлиқ бузилиши тарихнинг ушбу бўлагини бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.*

Ҳозирги вақтда археологик ёдгорликларнинг бузилишида бир неча асосий омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундай сабаблардан бири табиат ҳодисаларидир. Айниқса, дарё ўзанининг ўзгариши, дарё ва кўллар қирғоқларининг эрозияси, жарсимон қирғоқларнинг ўпирилиб тушиши каби жараёнлар археологик ёдгорликларнинг бузилишига олиб келади.

Юртимизда шаклланган шаҳар-созлик аъёнларига қўра, шаҳарлар аксарият ҳолларда сув манбаларига яқин жойда қурилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ҳозирда кўплаб кўҳна шаҳар қолдиқлари, жумладан, Аҳсиқент, Дабусия, Кампиртепа, Қосфирқалъа, Қулдорттепа каби кўҳна шаҳар харобаларининг дарё билан чегарадош қисмларини дарё ўзининг кенгайиши ёки ўзгариши натижасида емирилиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу жараённи тўхтатиш қийин, айрим ҳолларда бунинг илоҳи ҳам йўқ. Шу туфайли емирилиш эҳтимоли бўлган ҳудудларни археологик жиҳатдан ўрганиш уларни илмий жиҳатдан сақлаш имконини беради. Шунингдек, эрозияга учраган қирғоқларни мустаҳкамлаш борасида ҳам комплекс чора-тадбирлар қўриш туфайли самарали натижаларга эришиш мумкин.

Археологик ёдгорликлар бузилишига сабаб бўлаётган яна бир омил қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, юртимиздаги археологик ёдгорликларнинг асосий қисми

## Осори-атиқаларимиз

# Археологик ёдгорликлар

уларни сақлаш, келгуси авлодларга етказиш — муқаддас вазифа

айнан қишлоқ ҳўжалиги ишлари натижасида бузилаганини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Ургут туманида олиб борилган кузатув тадқиқотларининг кўрсатишича, ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин тумандаги мавжуд ёдгорликларнинг 40 фоизга яқини бузилган. Уларнинг аксарият қисми 1960-1970 йилларга тўғри келади. Зеро, ушбу йилларда кўплаб археологик ёдгорликлар пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида ўзлаштирилиб юборилган. Фақатгина айрим археологларнинг саъй-ҳаракатлари билан ёдгорликларнинг маълум бир қисми сақлаб қолинди. Юртбошимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асирида бу борада қўйилган фикрларни ястанган бўлади. Шуру даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни қалъага айлантиришдек беъмаъно сийёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яхё Фуломов қарши чиққанини мен яхши эсламан. Унинг ана шу фазилати туфайли тазийқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидagi маънавий жасорат ҳисси туфайли ҳаётини ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади”.

Археологик ёдгорликларни қишлоқ ҳўжалиги, ерларни ўзлаштирилиши билан боғлиқ жараёнлардан сақлашда ёдгорликларни ягона каталог, харитасини ва уларнинг муҳофаза зонасини ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади. Археологик ёдгорликларнинг

каталогини ишлаб чиқиш борасидаги дастлабки ишлар 1970-1990 йилларда олиб борилган бўлса-да, улар яхлит тизимга киритилмаган. Айни вақтда ЎзР ФА Археология институти, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва илмий ишлаб чиқириш бош бошқармаси билан ҳамкорликда замонавий технологиялар, жумладан, географик ахборот тизими билан интеграциялаштирган ҳолда ягона Ўзбекистон археологик ёдгорликлар каталогини яратиш борасида кенг қўламли ишларни олиб бормоқда. Ҳозирда Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Пойарик, Оқдарё, Иштархон, Ургут, Тойлоқ, Самарқанд, Пастдарғом, Нуробод, Пахтачи туманларининг археологик ёдгорликлар давлат тўлиқ рўйхатга олинган. Айни вақтда “Ўзбекистон археологик ёдгорликлар каталогини”нинг бир неча томлари нашрдан чиқарилган. Шу билан бирга 2012 йилда Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада амалий ишлар олиб борилаётганлиги ҳақида маълум бўлди. Ҳозирги вақтда олиб бориладиган кузатув тадқиқоти ишларини кўрсатишича, юртимиздаги археологик ёдгорликларнинг катта қисми дала майдонларида — фермер ҳўжалиқлари ҳудудида жойлашган бўлиб, археологик ҳаританинг яратилиши билан бирга уларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш, ёдгорликларнинг бузилиши ёки вайрон бўлиши каби ҳолатларнинг олдини олишга имкон беради.

Археологик ёдгорликларнинг

сақланишига салбий таъсир кўрсатувчи яна бир ҳолат — археологик ёдгорликлар устида кабристонларнинг мавжуд бўлишидир. Чунки кабрлар ёдгорликнинг деярли иккинчи ўлчамини ташкил қилади. Мустақиллик йилларида маданий ёдгорликларни, жумладан, археологик ёдгорликларни сақлаш, ҳимоя қилиш ва фойдаланиш тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Айни вақтда ёдгорликларни сақлаш юртимизнинг бош қомусида ҳам белгиланган бўлиб, тарихий, маданий ва маънавий ёдгорликларни сақлаш фуқароларнинг бурчи ва ёдгорликлар давлат ҳимоясида эканлиги қайд этилган. Шунингдек, тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузган фуқароларга қонуларимизда маъмурий ва жиноий жазо-лар белгиланган.

Археологик ёдгорликларни сақлаш тўғрисидаги қонунлар билан бирга аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, ўз тарихи, ўтмиши ва қадриятларига ҳурмат билан қараган инсон тарихнинг моддий қўриғини бўлган ёдгорликларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор беради.

**М.САИДОВ,  
К.РАҲИМОВ,  
ЎзР ФА Археология  
институти  
илмий ходимлари**

## Миллий мерос

# Архив ҳужжатлари

ишончли ва бугунги талаблар асосида сақланмоқда, дейди Ўзбекистон Республикаси Кино, фото ва фоно ҳужжатлар марказий давлат архиви директори Илҳом Абдусаломов

— Дастлаб Давлат архивда бугунги кунда сақланаётган ҳужжатлар тури, ҳажми, йўналиши ва сақланиш тартиби ҳусусида маълумот берсангиз?

— Инсон ўтмишдан қолган бирор суратни кўрсатган ҳужжатли фильмни томоша қилса ёки овоз ёзилган тасмани тингласа кўз олдида дарров ўша давр ҳаёти гавдаланади, ўша замон завқи ва сурурини ҳис қилади. Ва яна инсон сурат ёки фильмда кўрган, эшитган маълумотлар ва манзараларни китоб ҳамда ёзма манбалардан олган ахборотга нисбатан осон эслаб қолади, хотирасида узоқ сақлайди.

Кино, сурат ва овозли тасмалар тарихий манбаларни ташуви асосий вазифалардан бири ҳисобланади ва уларнинг бугунги кунда шиддат билан ривожланиши ҳам бекиёслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Кино, фото ва фоно ҳужжатлар марказий давлат архивида бугунги кунда келажақ авлодларимиз учун сақлаш ва уларга бус-бутун етказиб бериш мақсадида 280 мингга халқ бойлиги, ноёб тарихий манба саналган кино, фото ва фоно ҳужжатлар сақланмоқда.

— Ана шундай ноёб ҳужжатларнинг сақланиши айтиш пайтда қай даражада ташкил этилган?

— Архивимиз Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг кино, сурат ва овозли ҳужжатларини сақлаш масаласига асосий эътибор бериб, ҳужжатларни сақлаш учун энг мақбул шароит яратиш ва ушлаб туриш, доимий сақлашга тайёрлаш, сақлов хонадан бериш тартибига риоя этиш каби муҳим вазифаларни амалга оширмоқда. Шунингдек, ҳужжатларни сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя этиш, сақлаш жараёнида уларнинг техник ва физик-химёвий ҳолатини назорат этиш, консервация-профилактик зарур ҳолларда қайта тиклаш ишларини олиб бориш, ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, ўта қимматли ҳужжатлар нусхаларининг сўғурта ва фойдаланиш фондларини ташкил этиш архив фаолиятининг асосини ташкил этади.

Бугунги кунда ҳужжатларнинг эскириш жараёнини секинлаштириш ва уларда биологик ва химёвий нуқсонларни вужудга келишининг олдини олиш мақсадида консервация-профилактик ишлов бериш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Архивимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги “Корея Республикаси Хукумати билан ҳамкорликдаги маданий ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва тарғибот ишларини олиб бориш” қарорининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида керакли техника ва жиҳозлар билан таъминланган. Ҳужжатлар сақланадиган жойнинг ҳарорати ва намлигини сақлаб туриш учун замонавий кондиционер тизимини фойдаланялан.

— Ҳужжатлар, асосан, қайси даврларни қамраб олади?

— Архивда сақланаётган кино ва фоно, яъни овозли (магнит лента ҳамда граммпластинкалардаги) ҳужжатлар 1930 йилдан, фотоҳужжатлар эса 1866 йилдан то ҳозиргача бўлган даврга тааллуқли.

Ҳужжатларнинг ноёб ва қимматлилиги кўп жиҳатдан

муаллифнинг маҳорати, таниқлилиги ва оламни қандай идрок қила олишига боғлиқ бўлади. Улар давлат сақлови учун шу соҳанинг таниқли усталари томонидан яратилган асарлар ичидан янлов асосида саралаб олинади.

Бир хил мавзу ва имёвий ҳолат буйича энг яхшисининг танлаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Айрим ҳолларда жуда ноёб ва қимматга эга бўлган ҳужжатлар, ҳатто физик-химёвий ҳолати етарли даражада бўлмаса ҳам давлат сақловига олиниши мумкин.

— Архив ҳужжатлари йиғинининг бугунги ҳуқуқий асослари, тартиби ва таъминоти ҳусусида қандай ҳақиқатларни айтиш мумкин?

— Архивда сақланаётган ҳужжатлар Ўзбекистон тарихининг асосий манба бўлиб, уни янгича нуқтаи назардан ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳужжатларнинг жамланиши, ҳисобга олиниши, яхши сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш тўғри ташкил этиш бизнинг асосий вазифаларимиздан саналади.

“Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида архив ишларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2008 йил 26 август), 2012 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида архив ишларини таъминлаш тўғрисида”ги қарорлари асосида ташкилотлар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда.

Давлат архивлари ҳужжатларини жамлашда унинг манбалари ва таркибининг аниқлаш, ҳужжатларни давлат сақловига қабул қилишни ташкил этиш таъминоти билан алоқалари алоҳида кўрилади.

Аамалдаги қонунчиликка асосан кино, сурат ва овозли ҳужжатларни давлат сақловига қабул қилиш ишлаб чиқилган вақтдан 3 йил, яъни вақтинча сақлаш мuddати ўтгандан кейин амалга оширилади. Архивимизнинг асосий ва эҳтимолий жамлаш манбалари мавжуд бўлиб, архив фонди мунтазам тўлдириб борилади.

— Қадрлар тақчиллиги сезилмаяптими ва у, сезилганда, қозир қай даражада ҳал этилган?

— Бундан ўн-ўн беш йиллар аввал бу борада вазият бошқача эди. Ҳозир бу масала ҳал этилган, деса ҳам бўлаверарди. Чунки бугунги кунда Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, Санъат ва маданият институти, Тошкент шаҳар юридик коллежи, Сергели туман тижорат коллежи, Ҳамза туманидаги касб-хунар коллежида архившунослик йўналиши буйича мутахассислар тайёрланмоқда. Таҳсил олаётган талабалар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. ЎзМУ тарих факультети талабаларига амалиёт ўташ учун шароит яратиб беряпмиз. Архив бўйлаб экскурсия ҳамда амалиёт машғулотлари ўтказилади. Аамалдаги ёш кадрлар малакасини ошириш мақсадида ходимлар ўртасида устоз-шоғирд аъёналари давом этмоқда.

— Қадрлар малакасини ошириш буйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу борада, асосан, икки йўналишда иш олиб борилмоқда. Биринчиси, ходимларимиз мамакатимизда малака ошираётган бўлса, иккинчиси, хорижий мамлакат-

лар архив иши тажрибасини ўрганиб келишяпти. Мутахассислар малакасини доимий ошириб бориш мақсадида марказий давлат архивлари базасида ташкил этилган ўқув курслари ҳамда бошқа олий ўқув даргоҳларидаги махсус ўқув дастурларига тизимли равишда жалб этиш йўлга қўйилган.

Мазкур ўқув курсларида ижро назоратининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ижро назорати тушунчаси, ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, ижро назоратини ташкил қилиш, ҳужжатларни тузиш ва қабул қилинган қарорларни назорат қилиш, ҳужжатларнинг ижросини тўқатиш, стандарт компьютер дастурларидан фойдаланиш, назорат қарорлари билан ишлаш, расмий хатларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ташкилий фармойиш ва бошқа ҳужжат турлари, идоравий архивларда архив ҳужжатларини сақлаш, йиғма-жилдлар номенклатурасини тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш, иш юритишда ҳужжатлар қимматлилиги экспертизасини амалга ошириш, электрон ҳужжатлар ва уларнинг айланиш тизими, тадқиқотчиларга хизмат қилишдан филология аспектлари, кадрлар билан ишлашда психологиянинг ўзига хослиги, ташкилотнинг шахсий таркиби билан ишлаш буйича тавсиялар, фуқароларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш, иш юритиш тушунчаси, уни ташкил этувчи элементлар, ҳужжатлар тури ва классификацияси буйича янги тушунча ва маълумотлар берилади, муайян тажрибалар оммалаштирилади. Курс охирида тингловчилар ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш учун тест синовларини топширади ва архив томонидан махсус гувоҳнома билан тақдирланади.

Ўқув курслари, айрим ҳолларда ўзаро ҳамкорликда, жумладан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Турин политика кио университети билан биргаликда ташкил этилмоқда. Мутахассислар жойларга бориб ходимлар малакасини ошириш мақсадида ўқув курслари олиб борадилар. Ўқув курсида 2012 йилнинг ўзига 330 нафарга яқин ходим малака оширди.

Ходимларимиз архив иши соҳасидаги халқро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, чет эл тажрибасини татбиқ этиш буйича жаҳон миқёсида ўтказилаётган бир қатор тадбирларда иштирок этдилар. Хусусан, республикамиз архивчилари Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридаги Халқаро архивлар кенгаши тизимидаги малака ошириш минтақавий икки олий ўқув курсида таҳсил олиб қайтдилар. Бундан ташқари, Польша, Беларусь, Россия Федерацияси, Греция, Корея, Арманистон мамлакатларида бўлиб ўтган халқро анжуманлар, ўқув-семинарларда фаол иштирок этдилар.

Ўзбекистон архивчи-мутахассисларнинг малакасини оширишда халқро ўқув семинарларнинг аҳамияти беқиёс. Архивчи ходимлар ривожланган мамлакатлардаги архив ишларининг аҳоли, янги технологиялар, улардан фойдаланиш тартиби-қоидаларини ўрганиб, Ўзбекистон архив ишига татбиқ этмоқдалар. Малака ошириб қайтган мутахассисларнинг янги билим ва қўникмалари мамлакатимизда архив ишларини янада ривожлантиришда кўл келмоқда.

**И.НУСРАТОВ  
суҳбатлашди**

## Нашр

# «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари»

журналининг янги сони босмадан чиқди

*Журналининг биринчи сони “Обод турмуш йили”га бағишланган мақолалар билан очилади. Таҳрир ҳайъати номидан берилган мақола “Ободлик кўнғидан бошланади” деб номланган.*

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоеванинг “Халқимиз турмуши ободлигини оширишда камарбастамиз” деб номланган мақоласида жорий йилнинг аҳамияти, касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган ишлар, мақсад ва вазифалар ҳусусида сўз боради. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Анвар Аҳмедовнинг “Маҳалла — фуқаролик жамиятининг муҳим асоси” мақоласида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига эътибор тобора кучаяётгани, ваколатлари кенгайтириб бораётгани, 2012 йилда Жамоат фонди томонидан бажарилган ишлар, жорий йилдаги режа ва чора-тадбирларга эътибор қаратилади.

“Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ

тизимини ислоҳ қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганлиги туфайли суд жазоловичи органда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланмоқда” деб ёзади Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Минғобев ўз мақоласида. Журналининг янги сонида муассис — Инсон ҳуқуқлари буйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 2012 йилдаги фаолияти сарҳисобига кенг ўрин ажратилган. Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Нарғиза Дўстмухамедованин “Хорижий мамлакатлар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили” мақола-си журнал ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Шунингдек, Тошкент давлат шарқ-

шунослик институти тадқиқотчиси Саида Саидованин “Мағриб мамлакатларининг сийсий институтлари эволюцияси” мақола-си ҳақида ҳам ана шундай хулосага келиш мумкин.

“Ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ўз маданиятини сақлаб қолиши, урф-одат ва маросимларини намоеън этиш йўлида бирорта тўсиқ мавжуд эмас”, деб таъкидланади Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори Урозали Ташматовнинг “Ўзбекистон халқининг миллий турфа хиллик борасидаги миллий ҳуқуқлари” мақола-сида. Унда муаллиф мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига эътибор қаратади.

Журналдан ўрин эгаллаган тадқиқотчилар Мансур Мўсаевнинг “Ақборот хуружи ва уни халқро муносабатларга таҳдиди”, Абду-малик Тўйчибоевнинг “Сарахсий



ва дипломатик ҳуқуқ” ҳамда Умид Сайдахмедовнинг “Марказий Осиёда трансгегаравий сувлардан фойдаланишнинг тарихий ва ҳуқуқий асослари” деб номланган мақолалари янги ва қизиқарли маълумотларга бойлиги, таҳлилий ҳусусиятга эгаллиги билан журнали-хонларни эътиборсиз қолдирмайди. “Анжуманлар, тадбирлар, тақдиротлар” руқнида хорижда ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, жамиятни демократлаштириш жараёнлари ҳусусидаги хабар ва маълумотлар берилган.

Ўз муҳбиримиз











Ҳаракатчан кишилар одамда омадли бўладилар; аксинча, қиладиган ишларини ҳадеб ўйлайверадиган ва сустикашлик қиладиганларга омад камдан-кам насиб этади.

Геродот

Хуллас, ақлинг бўлса, бирон нарсани ўрган, чунки уқувсиз ақл қўйлақсиз тана ёнги беқиёфа одамдир, ахир илми ақлинг юзи дейишади-ку.

Қобус

ТИББИЙ МАСЛАХАТ

Тутнинг фойдаси



Шарқ табобатида кўпгина хасталиклар тут меvasи ёрдамида даволанади. Масалан, балх тути иситмани туширувчи, кишига дармон бағишловчи, қон кўпайтирувчи неъмат ҳисобланади. Балх тути таркибида 25 фоизгача карбонсувар (глюкоза, мальтоза, сахароза, фруктоза кўринишида), органик кислоталар (олма, лимон кислоталари), С белгили дармондор, Р фаол моддалар, темир, калий, кальций, магний ва пектин моддалари мавжуд.

БИЛАСИЗМИ?

Японияда автомобиль бошқаришни эндигина бошлаган ҳайдовчилар машинасига оғохлантирувчи белги сифатида Shoshinsha деб номланувчи барг сурати ёпиштириб қўйилади.

Германиянинг Зиндельфинген шаҳридаги Мерседес-Бенц заводи ишчилари завод бўйлаб велосипедда ҳаракатланишади. Эътиборли жиҳати шундаки, заводдаги ҳар бир цех ишчисини велосипед рангига қараб ажратиб олиш мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Музқаймоқлар фестивали

3-5 МАЙ КУНЛАРИ РИМ (ИТАЛИЯ) ШАҲРИДА "GELATO WORLD TOUR 2013-14" МУЗҚАЙМОҚЛАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

Мазкур фестивалда беш қитъа ва дунёнинг саккиз мамлакатидан келган 16 нафар музқаймоқ устаси қатнашади. Ҳар бир уста фақат биригина музқаймоқ тури билан иштирок этиши мумкин. Томошабинлар овози ва ҳакамлар ҳайъати улардан учтаси танлаб олинади. Голиблар 2014 йилнинг сентябрь ойида Римини шаҳрида ўтказиладиган "Дунёнинг энг зўр музқаймоқчиси" олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Музқаймоқлар фестивалини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад шунчаки янги музқаймоқ турларини кашф этиш эмас, аксинча, ҳозирда кўпчилик учун номаълум қадимги музқаймоқ хилларини тиклашдан иборатдир.

Ашаддий хўранда

ДЭВИД ЧАН ШУ КУНГАЧА АМЕРИКАДАГИ 6 МИНГ 297 ТА ХИТОЙ РЕСТОРАНЛАРИДА ТАМАДДИ ҚИЛИШГА УЛГУРГАН.

Ёши 64 дан ошганига қарамай, Чан чарқок нима-лигини билмайди. Асли касби юрист ва бухгалтер бўлгани учун қайси бир ресторанда бормасин дарров компютеридаги Excel жадвалга ўша тамаддоннома номини қайд этиб қўяди. Унинг таъкидлашича, ушбу жадвалга ресторан номи, манзили, шунингдек, тановул қилинган таомлар тури ҳам киритилади. Энг қизиғи, Чан гастронимик тадқиқот ўтказишда бирор меъёр ёки талабга риоя қилмайди. Унга ҳаммаси қизиқ. Чанга хитой ошонасининг ранг-баранглиги, таъмлал тақдорланмаслиги хуш ёқаркан. Ҳозирда ашаддий хўранда хитой ошонасининг энг тажрибали мутахассиси ҳисобланади. Ҳатто, манамен деган кулинар танқидчилар ҳам ундан маслаҳат сўраб туришаркан.



Интернет МАМАИРАЛARI АСОСИДА Машхур МАМАНОВА тайёрлади

Замонавий кадриятлар

Алоқа тарихи музейи

шу кунгача 35,5 минг томошабин ундаги экспонатлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди



Мобил алоқа мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан жадал суръатлар билан ривожлани бошлади. 1992 йилнинг августида мобил телефон орқали ilk бор кўнгироқ амалга оширилди. Мазкур телефон ҳозирда пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида сақланмоқда.



Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ташаббуси билан мамлакатимиздаги алоқа корхоналари маблаглари ҳисобидан қурилган музейнинг очилганига кўп бўлмади. Замонавий кўринишга эга уч қаватли бинода жойлашган музей залларида Ўзбекистон алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари ютуқлари ҳамда унинг ривожланиш босқичларини акс эттирувчи кенг экспозициялар намойиш қилинган.

Бинонинг биринчи қаватида бир неча асрлар мобайнида почта ташвиш учун фойдаланилган от аравасининг табиий катталиқдаги макети қўйилган. Ушбу макетни қўқонлик устлар ясаган. Музейда мутахассислар, олимлар ва музейга таъриф буюрувчиларнинг мулоқот қилиши, дам олиши учун махсус бурчаклар мавжуд.

Иккинчи қаватдан «Ўзбекистон почтаси» стени учун жой ажратилган. Бу ерда Ўзбек почта хизматининг Темурийлар давридан тортиб, ҳозирги давргача бўлган шаклланиш тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, почта ташувчиларнинг турли даврларда фойдаланган махсус кийим ва почта ускуналарининг ривожланиш жараёнини кўзатиш мумкин. Масалан, стендларда ўтган аср бошларидаги почтачилар сумкаси, почта хизматчилари кийими, муҳр ҳамда штемпеллар жой олган.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистонда мобил алоқа тармоғининг яратилиши 1992 йилдан бошланган ва биринчи мобил сўзлашувчи "Мобира" русумли телефонни орқали шу йилнинг 26 август кuni амалга оширилган. Ушбу телефон музей экспозициясининг нодир экспонатларидан бири ҳисобланади.

Мобил алоқа операторлари экспозицияларида мамлакатда мобил алоқа пайдо бўлган пайдан фойдаланилган турли стандарт мобил телефонлари жойлаштирилган. Шу тарихи, мазкур мобил телефон аппарати ахборот технологиялари саноти Ўзбекистондаги энг суръаткор ривожланувчи сегментлардан бирига айланиши йўлидаги биринчи қадам бўлган. Бундан ташқари, миллий уяли

алоқа операторлари стендларида мамлакатимизда уяли алоқа пайдо бўлгандан бери фойдаланиб келинган турли стандартдаги мобил телефон аппаратураси жой олган.

Ўзбекистонда телефон алоқасининг ривожланишини акс эттирувчи стенд ҳам жуда қизиқарли. Бу ерда ўтган аср бошларида бўлган шаклланиш тарихидан турли телефон моделлари бор. Телефон аппаратларининг баъзилари 60 ёшдан кийим ва почта ускуналарининг тармоқча уланган бўлиб, истаган киши кўнгироқ қилиб қўриши мумкин. Музейдаги эътиборга молик яна бир экспонат XIX аср бошлари ва мустақиллик йилларида чиқарилган почта маркалари ҳамда ошкорткалар коллекциясидир.

Экспозицияда мослама ва ускуналардан ташқари, 1991 йилдан бери қабул қилинган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тегишли кўнгироқ активлари, шунингдек, ўтган йилларнинг қоида ва қонунчилик ҳужжатлари намуналари жой олган. Заллардаги интерактив воситалар орқали музей курилиши, унинг коллекциялари ҳақида ҳикоя қилувчи видеofilmли томоша қилиш имкони мавжуд.

Ўзбекистон телевидениеси тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи бўлим ҳам киши эътиборини тортади. Стендларда телевизион сигнални қабул қилиб узатувчи техника ва телевизорлар бўлиб, уларнинг ҳар бири миллий телевидениенинг ривожланишидаги

маълум бир босқични ифодалайди. Бу ерда ҳозирги кунда ноёб бўлиб қолган «КВН-49» телевизионини ҳам кўриш мумкин. Уни жамоатчилик музейга совға қилган. Телевизиорларнинг шунга ўхшаш моделлари биринчилардан бўлиб телетомошабин эътиборини жалб этган, вақти келиб эса «Фотон» ва «Зенит» заводларида ишлаб чиқарилаётган замонавий телевизорлар учун замин бўлиб хизмат қилган.

Музей билан яқиндан танишиш мақсадида музейнинг "Алоқа тарихи" бўлими ходими Мавлуда Валиевага мурожаат қилдик.

— "Алоқа тарихи музейи" қачондан ўз фаолиятини бошлаган?

— Бугунги кунда ахборот технологияларининг ютуқларисиз дунёни тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологиялари халқ ҳўжалигининг турли соҳалари ривожланишига, аҳолига хизмат курсатиши доирасини кенгайтиришга таъсир ўтказиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ахборот технологиялари юқори суръатларда ривожланиб, ҳаётимизга кенг кириб келмоқда. Ёш ўсиб келаётган авлодга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги босқичма-босқич ривожланиш тарихини намойиш қилиш мақсадида Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раҳбарияти ташаббуси билан "Алоқа тарихи музейи" ташкил этилди. Му-

наси бўлган "Бунёдкор" стадионида бўлиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу футбол шоуси бутун Республикаимизни қамраб олди, десак адашмаймиз. Ўтказилган барча тадбирларда юртдошларимиз стадионларни тўлдириб ўтиришди. Ушбу хайрия тадбирида қатнашган барча-барчага ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.

Алишер УЗОҚОВ, актёр:

— Тадбир биз кутгандан ҳам юқори савияда ўтди. Стадионга тўланган минглаб томошабинларни кўриб роса ҳаяжонландим. Бугунги футбол шоусига йиғилганлар мақсади эзгу. Улар бемор ва меҳрга муҳтож инсонларга қўлдан келганча кўмак бериш истагиди. Ана шундай хайрли ишларда қатнашаётганимиздан биз ҳам хурсандимиз.

Хайрия футболшоуси якуни-

зей 2009 йил 24 октябрдан Тошкент шаҳрида расмий очилиб, фаолиятини бошлади.

Музейнинг эътиборга лойиқ экспонатларидан бири — бу XX аср бошларида мансуб почта варақчалари (карточкалар) коллекцияси ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда телеграф, телефон алоқаси ривожланиши акс эттирилган экспозиция ўзининг дизайни билан томошабин эътиборини тортади. Экспозицияда турли русумли телеграф аппаратлари, XX аср бошида фойдаланилган ишчи ҳолатга келтирилган телефон аппаратнинг макети, 1930-70 йилларда фойдаланилган турли телефон аппаратлари ҳамда шаҳарлараро сўзлашувларни таъминлайдиган коммутатор жойлаштирилган. Уларнинг баъзилари ишлаб чиқарилганига 80 йилдан кўп бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси "TELMAX ELEKTRONIX" корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган электрон автоматик телефон станциясига уланган ва ҳар бир истовчи уларни аниқ ва сифатли ишлашига гувоҳ бўлиши мумкин.

— Музейда соҳанинг мустақиллик даврида ривожланишини кўриш мумкинми? Ундаги экспонатлар қай даражада тарихий аҳамиятга эга?

— Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб чиқарилган почта маркалари давлат коллекцияси ҳам намойишга қўйилган. 2010 йили музейнинг остки қисмида янги экспозиция зали очилди. Бу ерда кутубхона, ўлчов ускуналардан ҳамда турли стендлардан иборат экспозициялар намойишга қўйилган. Музей ходимлари томонидан алоқа соҳасининг бой тарихи ва меросини ёш авлодга етказиш, бу борадаги тушунча ва тасаввурларини бойитиш мақсадида олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари, шунингдек мактаблар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Бу борада талабалар ва ўқувчиларни музейга таъриф буюриши ва турли мавзуда семинарларнинг ташкил этилиши тасдиқланган режа-жадвалларга асосан ташкиллаштирилган ва ўқув машғулотларида олган биллиларини мустаҳкамлайдиган Музей очилганидан бўён 35,5 минг нафардан зиёд томошабин ундаги экспонатлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни ёт гоьлардан ҳимоялаш, оммавий коммуникация имкониятларидан фавқат яратувчилик мақсадида фойдаланишга ўргатишда бу каби музейлар муҳим аҳамият касб этади.

Хулал БҮРИЕВА, ЎЗДЖТ халқаро журналистика факультети талабаси

Маданият хабарлари

Ёш куллар кўргазмаси

Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар залида мамлакатимиз ёш кулларининг "Обод турмуш йили"га бағишланган республика кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмага ёш кулларнинг махсус танлов асосида муносиб деб топилган асарлари қўйилган. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика "Хунарманд" уюшмаси, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамағармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тўрт кун давом этган кўргазма чоғида ёш куллар юртимиздаги кулолчилик мактаблари билан танишиш, таъриба алмашиш имкониятига эга бўлишди. Кўргазма якунида голиблар ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Миллий илмий семинар

Пойтахтимиздаги Grand Nur меҳмонхонасида "Ўзбекистоннинг номодий маданий меросини ҳужжатлаштириш" бўйича миллий илмий семинар бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда номодий маданий мерос объектларини идентификациялаш, инвентаризация қилиш бўйича ҳудудларда олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистоннинг маҳаллий рўйхатларини шакллантириш мезонлари ҳақида сўз борди. Семинарда олимлар, соҳа мутахассислари ва марказ раҳбарларининг номодий маданий меросни ҳужжатлаштириш тизими, жорий йилда Жизза, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига уюштирилган комплекс экспедициялар билан боғлиқ маърузалари тингланди.

Гўзал РАҲМОНОВА

Акция

"Ҳаёт учун!" хайрия футбол шоуси

барчани бир мақсад йўлида бирлаштирди

Пойтахтимиздаги муҳташам "Бунёдкор" стадионида "Ҳаёт учун!" хайрия форумига бағишлаб юртимиздаги таниқли спортчи, актёр ва санъаткорлар иштирокида наватдаги футбол шоуси бўлиб ўтди.

Фонд Форум ва "Ҳаёт учун!" кўкрак беzi саратони миллий уюшмаси ҳамкорлигида иккинчи мартаба ўтказилаётган мазкур хайрия тадбири ўтган йилгиданда жозибалироқ ўтди, десак адашмаймиз. Буни стадионга оқиб келаётган минглаб томошабинларнинг юз-кўзидан билиш қийин эмасди. Чунки уларни бир мақсад, "Ҳаёт учун!" шиори бирлаштириб турарди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, кўкрак беzi саратонига чалинган беморларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдир. Таъкидлаш жоизки, бундай хайрия тадбирларининг ўтказилиши беморларга жуда катта руҳий далда бериш билан бирга, уларга ўз вақтида даволанишлари учун кўмак бермоқда. Ўтган йили